

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 7 февраль.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли фармони, 2020 йил 12 май.
3. Борисов А.Б. Большой экономический словарь. Издание второе. – М.: Книжный мир, 2006 г. С. 300.
4. Роуз П.С. Банковский менеджмент. – М.: Дело, 2014. 238-б.
5. Климов А.С. Капитализация коммерческих банков: мировая практика и ее использование российскими банковскими структурами. Диссертация кандидата экономических наук. – М., 2008. – 180 с.
6. Омонов А.А. Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2008. – 36 б.
7. Эгамова М.Э. Тижорат банклари капиталлашув даражасини оширишда даромаднинг роли. Иқтисодиёт бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy). Дис. автореферати. – Т.: ТМИ, 2019. – 28 б.
8. Tursunov I.B. Tijorat banki kapitallashuviga korporativ boshqaruv ta'sirini oshirish. Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. – T., 2021. – 56 b.
9. Холмамадов З.А. Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш ва молиявий барқарорлигини мустақамлашнинг долзарб масалалари. // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий-электрон журнали. 1-сон, 2018 йил, февраль.
10. Kurbanov R.B., Khudoyberganova Z.Z. Matters of the increasement of private banks' capitalization level. // Экономика и бизнес: теория и практика. 2018. №. 6. С. 103-105.
11. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
12. Qurbanov, R. (2019) THEORETICAL AND PRACTICAL ASPECTS OF THE FORMATION OF PRIVATE BANKS' RESOURCE BASE, International Finance and Accounting: Vol. 2019: Iss. 5, Article 7. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss5/7>
13. Kurbanov, R. PhD (2021) "ANALYSIS OF EFFICIENCY INDICATORS OF PRIVATE BANKS ACTIVITY," International Finance and Accounting: Vol. 2021 : Iss. 1 , Article 11. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2021/iss1/11>
14. Kurbanov, Ziyat Niyazovich, and Komil Khotamov. "Issues of improving analysis of taxes." Социально-экономическое развитие России и регионов в цифрах статистики. 2017.



**МИЛЛИЙ БАНК ТИЗИМИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ  
ШАРОИТИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН  
ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

**Ибодуллаев Шоҳбоз Тўлқин ўғли -**  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университетининг  
мустақил изланувчиси

 [https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss4/a12](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a12)

**Аннотация.** Тижорат банкларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш миллий банк тизимини трансформациялашнинг асосий масалаларидан бири ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, тижорат банкларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш банклар томонидан муомалага чиқариладиган қимматли қўғозларни қулай бозор баҳоларидан жойлаштириш ва уларнинг ресурс базасини мустақамлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади.

Мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** тижорат банки, инвестицион жозибадорлик, актив, капитал, рентабеллик, фойзли спред, соф фойда, кредит, муаммоли кредит.

## ВОЗМОЖНОСТИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ В УСЛОВИЯХ ТРАНСФОРМАЦИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ БАНКОВСКОЙ СИСТЕМЫ

**Ибодуллаев Шохбоз Тулкин угли -**

*Ташкентский государственный экономический университет независимый исследователь*

**Аннотация.** Обеспечение инвестиционной привлекательности коммерческих банков является одним из основных вопросов трансформации национальной банковской системы. Это объясняется тем, что, обеспечение инвестиционной привлекательности коммерческих банков является одним из обязательных условий размещения ценных бумаг банков на приемлемых рыночных ценах и укрепления их ресурсной базы.

В статье выявлены актуальные проблемы, связанных с обеспечением инвестиционной привлекательности коммерческих банков Республики Узбекистан и разработаны научные предложения, направленные на решение этих проблем.

**Ключевые слова:** коммерческий банк, инвестиционная привлекательность, актив, капитал, рентабельность, процентный спрэд, чистая прибыль, кредит, проблемный кредит.

## POSSIBILITIES OF PROVIDING INVESTMENT ATTRACTIVENESS OF COMMERCIAL BANKS IN THE CONDITIONS OF TRANSFORMING THE NATIONAL BANKING SYSTEM

**Ibodullaev Shokhboz Tulkin ugli -**

*Tashkent State University of Economics independent researcher*

**Annotation.** Ensuring the investment attractiveness of commercial banks is one of the main issues of transformation of the national banking system. This is explained by the fact that ensuring the investment attractiveness of commercial banks is one of the mandatory conditions for placing bank securities at acceptable market prices and strengthening their resource base.

The article identifies urgent problems related to ensuring the investment attractiveness of commercial banks of the Republic of Uzbekistan and develops scientific proposals aimed at solving these problems.

**Key words:** commercial bank, investment attractiveness, asset, capital, profitability, interest rate spread, net profit, loan, problem loan.

**Кириш.** 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида тижорат банкларининг кредит портфелини ва улар фаолиятидаги рискларни бошқариш амалиётини такомиллаштириш, давлат улуши мавжуд тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш, банклардаги давлат акциялари пакетини зарур тажриба ва билимга эга инвесторларга танлов савдолари асосида сотиш, шунингдек, давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банклари ва корхоналарни бир вақтинг ўзида ислоҳ қилиш орқали банк секторида давлатнинг улушини камайтириш миллий банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган [1]. Бу эса, тижорат банкларининг инвестицион жозибаторлигини таъминлаш масаласини илмий тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтиради.

Айни вақтда, республикамиз тижорат банкларининг инвестицион жозибаторлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар мавжуд. Жумладан, тижорат банклари активларининг рентабеллик даражасини паст эканлиги, банкларда соф фоизли спрэд кўрсаткичи ва соф фоизли маржа кўрсаткичининг амалдаги даражасини ушбу кўрсаткичларнинг меъерий даражасидан паст эканлиги, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражасини ушбу кўрсаткичнинг меъерий даражасидан юқори эканлиги бу борадаги долзарб муаммолардан ҳисобланади.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳли-ли.** АҚШлик иқтисодчи олим Ж.Синки тижорат банкларининг инвестицион жозибаторлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири бўлган ликвидлиликни таъминлаш масаласи хусусидаги хулосани шакллантирган. Ушбу хулосага кўра, иккиламчи қимматли

қоғозлар бозори ривожланган ва кутилаётган даромад назарияси кенг қўлланилаётган ҳозирги шароитда тижорат банклари ликвидлигини таъминлашда уларнинг федерал фондлар, депозит сертификатлари каби активларини сотишдан ва РЕПО битимларидан кенг фойдаланилмоқда [2].

Ж.Синки АҚШ тижорат банклари фаолиятини таҳлил қилиш асосида юқоридаги хулосага келган. Ҳақиқатан ҳам, АҚШда иккиламчи қимматли қоғозлар бозори ривожланган. Шунингдек, АҚШ ҳукумати қимматли қоғозларни катта миқдорда эмиссия қилувчи эмитент ҳисобланади. Бу эса, АҚШ Федерал захира тизими (Марказий банк) ва тижорат банклари ўртасида РЕПО операцияларини доимий равишда амалга ошириш имконини беради.

Халқаро банк амалиётида, тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибдорлигини баҳолашда Ҳ.Марковицнинг портфель назариясидан кенг фойдаланилади.

Ҳ. Марковицнинг портфель назариясига кўра, инвестор томонидан йўл қўйиладиган хатоликлардан бири шундаки, у ҳар доим даромадлиликнинг мақбул даражаси шароитида кам рискли ёки рискнинг мақбул даражаси шароитида юқори даромадли портфелни танлайди. Бундай хатога йўл қўймаслик учун инвестор шундай портфелни танлаши керакки, бунда кутилаётган даромад риск ошмасдан туриб ошиши мумкин эмас ёки аксинча, риск кутилаётган даромад камаймай туриб камаймаслиги керак [3].

Е. Стародубцеванинг хулосасига кўра, тижорат банклари ликвидлигини банкнинг ликвидлик позицияси асосида, яъни унинг пулли талаб ва мажбуриятлари ўртасидаги нисбат асосида баҳолаш лозим: агар мижозларга талаб мажбуриятлардан юқори бўлса, ортиқча ликвидлик ҳосил бўлади; агар мажбуриятлар талаблардан юқори бўлса, ликвидликнинг етишмаслиги юзага келади [4].

И.Ларионованинг фикрича, тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш пул оқимларининг барқарорлиги муҳим бўлиб, унинг асосини қуйидагилар ташкил этади:

- аниқ ижро этиш муддатига эга бўлмаган шартномалар бўйича пул маблағлари ҳаракати;

- ҳозирча тузилмаган, аммо тузилиш эҳтимоли юқори бўлган шартномалар бўйича кутилаётган пул маблағлари ҳаракати;

- прогноз қилинмайдиган ҳодисалар ва режалаштирилмаган операциялар билан боғлиқ пул оқимлари [5].

В.Усоскиннинг хулосасига кўра, тижорат банкни ҳаддан зиёд капиталлашиб кетиши, ўз маблағларига эҳтиёгга нисбатан ортиқча акцияларни муомалага чиқариш тижорат банкнинг молиявий ҳолатига нисбатан салбий таъсирни юзага келтириши мумкин. Чунки капитал молиялаштиришнинг нисбатан қиммат шакли ҳисобланади, ундан кўра омонатчиларнинг маблағларини жалб қилиш арзон ва қулай ҳисобланади [6].

В.Усоскиннинг бу фикри Ўзбекистон банк амалиёти учун муҳим амалий аҳамият касб этади. Чунки Ўзбекистон банклари пасивларининг умумий ҳажмида капитал нисбатан юқори салмоқни эгаллайди. Масалан, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикамиз тижорат банклари пасивларининг умумий ҳажмида регулятив капиталнинг салмоғи 12,5 фоизни ташкил этди.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқотни амалга оширишда индукция ва дедукция, эксперт баҳолаш, статистик гуруҳлаш, қиёсий, таркибий ва трендли таҳлил усулларидан фойдаланилди. Шунингдек, тадқиқотда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертларининг тижорат банклари активларининг рентабеллигини аниқлаш методикасидан ва Базель қўмитасининг тижорат банклари капиталининг етарлигини баҳолаш методикасидан фойдаланилди.

Маълумотлар манбаи сифатида ТИФ Миллий банки, Асакабанк, Ипотекабанк ва Саноатқурилишбанкнинг молиявий ҳисоботлари маълумотларидан ҳамда республика Марказий банкнинг статистик маълумотларидан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг амалдаги пруденциал талаби бўйича тижорат банклари таснифланган активларининг барча тоифаси – стандарт кредитлар, субстандарт кредитлар, қониқарсиз кредитлар, шубҳали кредитлар ва умидсиз кредитлар бўйича захира ажратмалари ташкил этилади ва ушбу захира ажратмалари тўлиқ тижорат банкларининг харажати-га олиб борилади [7].

2008 йилнинг тўртинчи чорагида бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунё мамлакатларида тижорат банкларининг ликвидлиги ва молиявий барқарорлигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтирди. Бунинг натижасида кўплаб банклар банкрот бўлди. Базель қўмитаси ушбу ҳолат-

ни ҳисобга олган ҳолда тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш бўйича талаблар кучайтирилди. Хусусан, Базель-III стандартида тижорат банклари капиталнинг етарлигига нисбатан талаблар кучайтирилди [8].

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки Базель қўмитасининг банк назоратига оид бўлган янги талабларини инобатга олган ҳолда, 2015 йилда тижорат банкларига нисбатан иккита янги пруденциал назорат талаби – ликвидликни қоплаш меъёри коэффициенти ва соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффициенти бўйича талабларни жорий қилди [9].

Таъкидлаш жоизки, коронавирус пандемияси Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг сифатига салбий

таъсир кўрсатди. Айниқса, пандемия туфайли тижорат банклари кредит портфелининг сифати сезиларли даражада ёмонлашди.

Коронавирус пандемияси даврида молиявий қийинчиликларга дуч келган аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг кредит тўловлари муддатининг узайтирилиши натижа-сида банк тизимида муаммоли кредитлар улуши (90 кундан ортиқ муддатга кечиктирилган) 0,6 фоиз бандга ошиб, 2020 йил якуни бўйича 2,1 фоизни (5,8 трлн. сўм) ташкил этди [10].

Тижорат банкларининг инвестицион жозибadorлигини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлар активларнинг рентабеллиги ва регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғи кўрсаткичлари ҳисобланади.

1-жадвал

АТ “Ўзсаноатқурилишбанк” ва Асакабанкда активларнинг рентабеллиги, фоизда

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Ўзсаноатқурилишбанк	0,8	2,0	0,7
Асакабанк	2,0	1,6	1,8

*Манба:* жадвал муаллиф томонидан Ўзсаноатқурилишбанк ва Асакабанкнинг баланс маълумотлари асосида тузилган.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, Ўзсаноатқурилишбанкда 2018-2020 йилларда активларнинг рентабеллик кўрсаткичи паст даражада бўлган. Бунинг устига, ушбу кўрсаткичнинг даражаси 2020 йилда 2019 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Бу эса, банкнинг инвестицион жозибadorлигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, Асакабанкда активларнинг рентабеллик кўрсаткичи 2020 йилда 2019 йилга нисбатан ошган, аммо 2020 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган.

Тижорат банкларида муаммоли кредитлар миқдорининг катта эканлиги улар активларининг рентабеллик даражасини паст бўлишининг асосий сабабларидан биридир. Асакабанк ҳам, Саноатқурилишбанк ҳам давлат банклари ҳисобланади, шу сабабли улар дав-

лат дастурларини молиялаштиришда фаол иштирок этди. Аммо давлат дастурлари доирасида берилган ва қайтарилмаган кредитлар давлат банкларига қатариб берилмади. Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида Ҳукумат кафолати остида берилган ва қайтмаган кредитларни тижорат банкларига қайтариб бериш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юклатилган эди [11].

Тижорат банклари регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғини нисбатан юқори ва барқарор бўлиши уларнинг ўз мажбуриятлари юзасидан тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш имконини беради.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки ва Ипотекабанкда регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғи, фоизда

Банклар	2018 й.	2019 й.	2020 й.
ТИФ Миллий банки	10,1	19,7	17,4
Ипотекабанк	8,2	15,8	13,2

*Манба:* жадвал муаллиф томонидан ТИФ Миллий банки ва Ипотекабанкнинг баланс маълумотлари асосида тузилган.



2-жадвал маълумотларидан кўринадики, ТИФ Миллий банкида регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғи 2020 йилда 2019 йилга нисбатан ошган, аммо 2020 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган. Бу эса, Миллий банкнинг инвестицион жозибаторлигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Ипотекабанкда регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғи 2020 йилда 2019 йилга нисбатан ошган, аммо 2020 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган. Ўз навбатида, ТИФ Миллий банкида ва Ипотекабанкда таҳлил қилинган давр мобайнида регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғи пасайганлиги мазкур даврда пассивларнинг ўсиш суръати регулятив капиталнинг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги билан изоҳланади.

Капитал барқарор молиялаштириш манбаларидан иборат бўлганлиги сабабли унинг пассив таркибидаги салмоғининг юқори бўлиши тижорат банкнинг тўловга қобиллик даражасини юқори эканлигидан далолат беради ва ликвидлилигига ижобий таъсир этади.

**Хулоса ва тавсиялар.** Тадқиқот жараёнида амалга оширилган таҳлиллар кўрсатдики:

2008 йилнинг тўртинчи чорагида бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози тижорат банкларининг ликвидлилиги ва молиявий барқарорлигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтирганлиги сабабли бутун дунёда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш бўйича талаблар кучайтирилди;

– Ўзсаноатқурилишбанкда 2018-2020 йилларда активларнинг рентабеллик кўрсаткичи паст даражада бўлган. Бунинг устига, ушбу кўрсаткичнинг даражаси 2020 йилда 2019 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Бу эса, банкнинг инвестицион жозибаторлигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

– давлат дастурлари доирасида берилган ва қайтмаган кредитларни қайтариб бе-

рилмаганлиги республикамиз давлат банкларининг рентабеллигига салбий таъсир кўрсатди;

– ТИФ Миллий банкида ва Ипотекабанкда регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғини 2020 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада камайганлиги ушбу банкларнинг инвестицион жозибаторлигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Фикримизча, тижорат банкларининг инвестицион жозибаторлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун куйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Тижорат банкларининг инвестицион жозибаторлигини активлар рентабеллигини ошириш ҳисобига таъминлаш учун, биринчидан, соф фоизли даромаднинг брутто активларга нисбатан меъёрий (4,5 %) ва барқарор даражасини таъминлаш лозим; иккинчидан, муаммоли кредитларнинг брутто кредитларга нисбатан йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражадан (5,0 %) ошиб кетишига йўл қўймаслик керак; учинчидан, банклар соф фойдасининг ўсиш суръатини нетто активларининг ўсиш суръатидан паст бўлишининг олдини олиш зарур.

2. Тижорат банклари регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғининг барқарор даражасини таъминлаш учун, биринчидан, банк оддий ва имтиёзли акцияларининг инвестицион жозибаторлигини таъминлаш лозим; иккинчидан, тижорат банки регулятив капиталнинг рентабеллиги кўрсаткичининг меъёрий даражасини (15%) таъминлаш керак; учинчидан, регулятив капиталнинг ўсиш суръати билан мажбуриятларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш лозим.

Тижорат банклари активларининг рентабеллик даражасини ошириш ва регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғи барқарорлигини таъминлаш тижорат банкларининг инвестицион жозибаторлигини сезиларли даражада ошириши мумкин.

#### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси”ги фармони//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 06/20/5992/0581-сон.
2. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – 1018с.
3. Markowitz, H. 'Portfolio Selection' / The Journal of Finance, 1952 – №7. – P. 77-91.
4. Стародубцева Е. Б. Основы банковского дела. – М.: Инфра-М, 2014. – 463с.

5. Ларионова И.В. Управление ликвидностью в коммерческом банке на основе денежных потоков. Банковский менеджмент. 5-е изд. – М.: КНОРУС, 2016. – 414с.
6. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: управление и операции. – М.: ЛЕНАНД, 2019. – 328с.
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/5-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 14 июлда 2696-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2015. - №28. – 22-33-б.
8. Basel Committee on banking supervision. Basel-III: A global regulatory framework for more resilient banks and banking systems-Basel-III, 2010. <http://www.bis.org.publications>.
9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/14-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 13 августда 2709-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2015. - №32. – 141-152-б.
10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2020 йилдаги фаолияти бўйича ҳисобот//[www.lex.uz](http://www.lex.uz)
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).



## ЎЗБЕКИСТОНДА МАЖБУРИЙ ЗАХИРА ИНСТРУМЕНТИНИНГ ИШЛАШ ҲОЛАТИ

**Курбанбекова Моҳичехра Туробжоновна -**  
Тошкент давлат иқтисодий университетининг  
тадқиқотчиси, PhD.

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss4/a13](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a13)

**Аннотация.** Мазкур мақолада монетар сиёсат инструменти билан бири бўлган мажбурий захира инструменти таҳлил қилинган. Хусусан, Марказий банк томонидан мажбурий захира сиёсатининг тижорат банкларига таъсири ҳамда пул массасидаги ўзгаришларнинг мажбурий захира инструменти самарадорлигига таъсири ўрганилган. Таҳлил натижаларига кўра, 2018 йилдан мажбурий захира нормасининг пасайтирилиши ва бу, асосан, миллий валютадаги депозитларга нисбатан амалга оширилганлиги тижорат банкларига ижобий таъсир кўрсатган. Шунингдек, миллий валютадаги пул массаси таркибида нақд пул улуши юқори бўлиши мажбурий захира инструменти етарли даражада самарали ишламаслигига олиб келмоқда. Чунки мажбурий захира нормалари тижорат банкларидаги депозитларга нисбатан қўлланилади ва ушбу нақд пулларнинг катта қисми банк тизимида ташқарида айланмоқда ва мажбурий захира нормаси бу каби ресурсга тарқамайди.

**Таянч сўз ва иборалар:** монетар сиёсат, пул массаси, мажбурий захира сиёсати, депозит, пул агрегати, мажбурий захира нормаси.

## ДЕЙСТВИЕ ИНСТРУМЕНТА ОБЯЗАТЕЛЬНОГО РЕЗЕРВА В УЗБЕКИСТАНЕ

**Курбанбекова Моҳичехра Турабжановна -**  
Ташкентский государственный экономический  
университет исследователь, PhD.

**Аннотация.** В данной статье анализируется инструмент обязательного резервирования, являющийся одним из инструментов денежно-кредитной политики. В частности, изучалось влияние политики обязательного резервирования Центрального банка на коммерческие банки и влияние изменения денежной массы на эффективность инструмента обязательного резервирования. По результатам анализа снижение норматива обязательных резервов с 2018 года и то, что оно осуществлялось в основном в отношении депозитов в национальной валюте, оказало положительное влияние на коммерческие банки. Также высокая доля наличных денег в денежной массе в национальной валюте приводит к тому, что инструмент обязательного резервирования работает недостаточно эффективно. Потому что нормы обязательного резервирования распространяются на депозиты в коммерческих банках, и большая часть этих наличных денег обращается вне банковской системы, и норма обязательного резерва на такой ресурс не распространяется.

**Ключевые слова:** денежно-кредитная политика, денежная масса, политика обязательных резервов, депозит, денежный агрегат, норма обязательных резервов.